

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ТАКРОПИК

Препаратнинг савдо номи: Такропик

Таъсир этувчи модда (ХПН): такролимус

Дори шакли: сиртга қўллаш учун суртма

Таркиби:

100 г суртма қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: такролимус 100% моддага ҳисобланганда – 0,03 г ёки 0,10 г;

ёрдамчи моддалар: макрогол-400, суюқ парафин, юмшоқ оқ вазелин, эмульсион мум, динарий эдетати, Euxyl PE 9010 консерванти (феноксизтанол 90%, этилгексилглицерол 10%), тозаланган сув.

Таърифи: Оқ ёки деярли оқ рангли бир жинсли суртма. Кучсиз ўзига хос ҳид бўлишига йўл қўйилади.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Маҳаллий қўллаш учун яллиғланишга қарши восита.

АТХ коди: D11AH01

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Такролимус кальциневрин ингибиторлари гуруҳига мансуб. У кальциневрин учун цитозол рецептор (FK506) бўлиб ҳисобланган специфик цитоплазматик оқсил иммунофиллин (FKBP12) билан боғланади. Бунинг натижасида такролимус, FKBP12, кальций, кальмодулин ва кальциневриндан ташкил топган комплекс шаклланади, бу кальциневриннинг фосфатаз фаоллигини ингибиция қилинишига олиб келади. Бу цитокинларнинг (ИЛ-2 ва интерферон-гамма) Т-хужайравий иммун жавоби учун муҳим маҳсулотларни кодловчи генлар транскрипциясини бошлаш учун зарур бўлган фаоллашган Т-хужайраларни (NFAT) дефосфорланишига ва ядро омилининг транслокациясига имкон қолдирмайди. Бундан ташқари, такролимус Т-лимфоцитларни фаоллашишини бошланғич босқичларида иштирок этувчи ИЛ-3, ИЛ-4, ИЛ-5 каби цитокинлар, гранулоцитар-макрофагал колониестимуляция қилувчи омил (ГМКССО) ва ўсма некрози омили (ЎНО- α) ни ишлаб чиқарилишини кодловчи генлар транскрипциясини ингибиция қилади. Бундан ташқари, такролимус таъсири остида семиз хужайралар, базофиллар ва эозинофиллардан яллиғланиш медиаторларини ажралиб чиқишини ингибиция қилиниши, шунингдек Лангерганс хужайраларида Fc ϵ RI (E иммуноглобулини учун юқори аффин юзаки рецептор) экспрессиясини пасайиши кузатилади, бу уларнинг фаоллигини ва Т-лимфоцитларга антигенларни презентация қилишни пасайишига олиб келади.

Такролимус суртмаси коллаген синтезига таъсир кўрсатмайди ва шунинг учун тери атрофиясини чақирмайди.

Фармакокинетикаси

Сўрилиши

Маҳаллий қўлланилганда такролимусни тизимли қон оқимида сўрилиши минимал бўлади. Атопик дерматити бўлган пациентларнинг кўпчилигида (катталар ва болаларда) 0,03% ва 0,1% ли такролимус суртмаси бир марта суртилганда ҳам, кўп марта суртилганда ҳам унинг қон плазмасидаги концентрацияси < 1,0 нг/мл ни ташкил қилган. Тизимли сўрилиши шикастланиш соҳасига боғлиқ ва атопик дерматитнинг клиник кўринишлари баргараф бўлгани сари камайиб боради. Болаларда ва катталарда узоқ вақт (1 йилгача) қўлланилганда препаратни тўпланиши кузатилмаган.

Ишлаб чиқарувчи/ Истеъмолчилардан эътирозларни қабул қилувчи ташкилот
«Химико-фармацевтический комбинат “АКРИХИН” Акционерлик жамияти
 (“АКРИХИН” АЖ), Россия
142450, Москва вилояти, Ногинск тумани, Старая Купавна ш., Киров кўч., 29 уй.
Телефон/факс: +7 (495) 702-95-03.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситасининг сифати бўйича эътироз
(таклиф) ларни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**
“Акрихин” АЖ ваколатхонаси
Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент ш., Козитарнов кўч, 50 уй.
Тел.: + 99897 107 55 54
Автожавоб раками: +99871 205 10 18